

Жалолиддин Алиқулович БЎРИЕВ
 Ўзбекистон халқаро ислом академияси
 Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва
 маърифат бўлими услубчиси
jburiyev1977@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА РЎЙХАТДАН ЎТГАН ИСЛОМ ДИНИГА ОИД САЙТЛАР ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ САЙТОВ, ОТНОСЯЩИХСЯ К РЕЛИГИИ ИСЛАМ, ЗАРЕГИСТРИРОВАННЫХ В УЗБЕКИСТАНЕ

ANALYSIS OF THE SITES REGISTERED IN UZBEKISTAN RELATING TO RELIGION ISLAM

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган сайтларнинг таҳлилида замонавий ахборотнинг энг таъсирчан воситаларидан бирига айланган Интернет тармоғи — инсон ақл-заковатининг маҳсули эканлиги ва кишиларнинг билимини оширишда, дунё янгиликларидан хабардор бўлишда, хат юбориш, олиш, бизнес ишида ҳамкорлик ўрнатиш, илмий-ижодий фаолиятининг таҳлили келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Дахлдор, ахборот, портал, сайт, маъруза матнлари, диний, диншунослик, исломишунослик, маълумотлар.

Аннотация: В данной статье было отмечено, что сеть Интернет, ставшая одним из наиболее эффективных средств современной информации при анализе сайтов, зарегистрированных в Узбекистане, является продуктом человеческого интеллекта, а также при повышении знаний людей, находящихся в курсе мировых новостей, отправке, получении писем, налаживании сотрудничества в бизнесе, анализе научной и творческой деятельности.

Ключевые слова: Причастность, информация, портал, сайт, текст лекции, религиозный, религиоведение, исламоведение, сведения.

Abstract: In this article, it was mentioned that the Internet Network has become one of the most effective means of modern information in the analysis of the sites registered in Uzbekistan, is the product of human intelligence, and in increasing the knowledge of

people, being aware of World news, sending, receiving letters, establishing cooperation in business, analysis of scientific and creative activity.

Keywords: Tangent, information, portal, website, lecture text, religious, religious studies, Islamic studies, data

Мустақиллик йилларида юртимизда ахборот олишнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжат, қарор ва бошқа хил ахборотлар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонунга кўра, мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро ўз манфаатларига дахлдор ахборотларни олиш имкониятига эга.

Шунингдек, шу нуқтаи назардан, «... ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олиш»[4:252] ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳар қандай эзгуликка интилган жамиятнинг демократик ривожига ахборот олиш, уни узатиш ва тарқатиш эркинлиги билан бирга, ундан фойдаланиш маданияти, масъулияти ҳам бекиёс аҳамият касб этади. Бунда айниқса, эркинлик, холислик, ҳаққонийлик ва қонунийлик принципларига қатъий амал қилиш алоҳида ўрин тутди.

Лекин, шу билан бирга, энг катта ахборот хуружлари интернет орқали амалга оширилаётганини ҳам унутиб бўлмайди. Бу тизимга истаган одам тўғри ёки ёлғон маълумотларни киритиши мумкин.

Бугунги кунда ёшларнинг аксарияти ундан фойдаланиб, бўш вақтларини интернет-клубларда ўтказмоқда. Бу қувонарли, аммо кишини ташвишга соладиган томони шундаки, ёшларимиз бизнинг эзгу ғояларимизга қарши бўлган баъзи бўҳтон гаплар, ахлоқсизлик, диний мутаассиблик, беҳаёлик иллатларини интернет орқали кўриб, билиб-билмай уларнинг таъсирига берилиб ҳам қолмоқда.

Шу ўринда ёшларда миллий мустақил тафаккурни, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, уларда ахлоқий ва ватанпарварлик маданиятни ва интернетдан тўғри фойдаланиш маданиятини ошириш, шунингдек, паст савияли ҳамда ёд “оммавий маданият”нинг кириб келишига қарши курашишга доим иммунитетни шакллантиришга қаратилган сиёсат олиб бориш ҳозирги кун учун муҳим аҳамиятга эгадир.

1. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш жамият барқарорлигининг бош омили сифатида муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (uza.uz)да ижтимоий тармоқларда ахборот оқимини тартибга солиш учун 71 мингдан ортиқ фаол UZ домени[3: <https://www.xs.uz.>]дан фойдаланилмоқда.

Жадид маърифатпарвар олим Маҳмудхўжа Бехбудий «Ёшларга мурожаат» мақоласида диний маърифатни турли ёт оқимлардан асраш омили дея, «Мухтарам ёшларга мурожаат»[2:169]ида дунёвий фанларнинг нечоғлик заруратини ёзади. Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, республика аҳолисининг кўпчилик қисмини ислом динига эътиқод қилувчилар эканини эътиборга олиб ҳозирда Ўзбекистонда расмий рухсат олган баъзи исломий сайтларни диншунос мутахассис кўзи билан таҳлил этиш бош мақсад қилиб белгиланди.

Ўзбекистонда тўлиқ давлат назоратида бўлган “ZiyoNET” электрон портали орқали ўқувчилар сайтнинг кутубхона, илмий тадқиқотлар ва илмий мақолалар бўлимида дин билан боғлиқ адабиётлар, илмий ишлар, мақолалар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Электрон порталнинг “Кутубхона” бўлимида қуйидаги: *табиий-илмий фанлар, гуманитар фанлар, техника ва технология, иқтисодиёт ва бошқарув, маданият ва санъат, ҳуқуқшунослик, диншунослик, педагогика, тиббиёт ва фармацевтика, ҳарбий таълим, қонунчилик, бадий адабиёт* йўналишлар бўйича жами 20 мингдан ортиқ маъруза матнлари, методика ва ўқув қўлланмалари, амалий машғулот материаллари, диссертация, реферат ва дарсликлар ҳақида маълумотлар олиш мумкин. Электрон порталда мавжуд

адабиётларнинг фойдаси нафақат абитуриент, талаба ва ўқитувчиларга эмас, балки керакли хабарларни қидираётган барча маҳалла фаоллари ва ёшларига ҳам фойдалидир.

Мисол тариқасида электрон порталнинг “Кутубхона” ва “Илмий тадқиқотлар” бўлимида қирқдан ортиқ ислом дини соҳаларига оид адабиёт, диссертацияларнинг авторефератлари ва илмий мақолалар жой олган. Бу маълумотлардан маҳаллаларнинг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари маҳалла ёшлари билан ўтказилаётган учрашув, давра суҳбатларида уларнинг келажақда ўзлари танлаган таълим йўналишларига қизиқтиришда самарали фойдаланишлари мумкин. Ушбу сайтдан жой олган диний адабиётларни ўқиб Ўзбекистонни дин борасидаги сиёсатини аниқлаб олиш мумкин. 2010 йилдан барча фан соҳалари қатори диншунослик ва исломшунослик соҳасида қилинаётган ишлар бўйича мақолалар эълон қилиш шарт қилиб қўйилди. Ҳозирда “ZiyoNET” электрон портали Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бириктирилган.

Иккинчи дин ва маънавият билан боғлиқ сайт бу “ziyo.uz” бўлиб, у Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2011 йил 27 июлда 0677-рақам остида рўйхатдан ўтган.

Ушбу йўналишда «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда [1:128] ҳам ўз ифодасини топган. Ушбу электрон портал 2004 йил 9 апрелда “ziyo-uz.land.ru” номи остида ташкил этилган. Дастлаб мақолалар сони йигирмата бўлиб, ярим йил ичида 300 тага етган. Бу аҳолини диний мавзуларга қай даражада қизиқишини кўрсатади. 2005 йил 14-майдан сайтда форум иш бошлаган. Ушбу форум “Зиё истаган қалблар” деб номланиб, “ziyouz.proboards20.com” манзил орқали кирилади. Ҳозирда ушбу форум диний мавзуларда мулоқот қилинадиган “islam.uz” электрон порталидаги форумдан кейин энг кўп фойдаланувчисига эга бўлган форумлардан биридир. Мақолалар сони ортганлиги боис ёрдамчи сайт “ziyo-uz.narod.ru” ташкил этилди. Натижада порталда “Янгиликлар”, “Ислом”, “Иқтисод”, “Сиёсат”, “Маърифат”, “Ажойиботлар”, “Сара мақолалар” каби бўлимлар шакллантирилиб мақолалар

билан узлуксиз бойтиб борилмоқда. 2006 йил 12-июнь куни “Ziyo.Uz” электрон портали тўлиқ мустақил бўлиб, “www.ziyouz.com” номи остида янгидан фаолият бошлади. 2006 йил 13-июнь куни электрон порталдаги ислом бўлими алоҳида ажратилиб “islom.ziyouz.com” манзилида фаолиятини бошлади. Шу йилнинг 14-июнь куни электрон порталдаги форум янги манзилда “forum.ziyouz.com” чиқа бошлади. Форумдаги аъзолар сони 6000 мингдан ошган.

2006 йил 15-июль куни илк маротаба диний мавзуларда ўзбекча кроссворд, сканворд ва бошқотирмалар “kross.ziyouz.com” манзилида иш бошлади.

2009 йил 4-февралдан “ziyouz.com” билан ҳамкорликда портал диний адабиётларни турк тилига таржима қилишни йўлга қўйди. Жумладан Хожа Аҳмад Яссавийнинг “Девони хикмати”ни Ҳаяти Биже томонидан турк тилига таржима қилиниб “*Divan-i hikmet*” номи остида Анқарада нашр этилди. Порталга алоқаси бўлган таржимонлар томонидан ўзбек тилидаги диний-маърифий адабиётлар турк ва бошқа тилларга таржима қилинмоқда. 2011 йил 6-июнь куни “ziyouz.com” электрон портали “uznet”да “ziyouz.uz” деган номга эга бўлди. Айни пайтда ушбу порталда 6184 та илмий-оммабоп, диний-маърифий мақолалар, 1532 та диний-маърифий электрон китоблар ўрин олган. Портал [форумида](#) 130 бўлим, 5258 мавзуда 336574 та постерлар қолдирилган. “islom.ziyouz.com” сайтида ислом динига оид 2313 та мақола ва маълумотлар мавжуд. “Ziyouz.com” сайтида жами ўқилган саҳифалар сони 19 979 922 тани, “forum.ziyouz.com” да 48 196 655 тани, “islom.ziyouz.com”да 4 980 808 тани, “kross.ziyouz.com” да 1 034 669 тани ташкил қилади. Ҳозирги кунда “ziyouz.uz” сайти ичида энг кўп фойдаланиладиган қиркта сайт таркибига кирган.

Ушбу таҳлилий маълумотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, “[ziyouz](http://ziyouz.com)” электрон порталининг аҳолини диний-маърифий дунёқарабини ўстиришда фаол иштирокини кўриш мумкин.

Ислом дини билан боғлиқ бўлган йирик электрон портал “islom.uz” шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф томонидан молиялаштирилган. 2005 йилдан кейин шайх Муҳаммад Содиқ ўзбек тилида Қуръон,

ҳадис, ақида, ислом ҳуқуқига оид бўлган диний адабиётлар тўпламини яратди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда аҳолини ислом дини ва унинг соҳалари билан яқиндан танишувида шайх томонидан эълон қилинаётган диний адабиётларнинг ўрни катта. Иккинчи томондан, шайх томонидан тузилган ушбу диний электрон портал диний сайтлар ичида энг кўп фойдаланиладигани ҳисобланади. Порталнинг “islom.uz.ru” бўлими русийзабон одамлар учун мўлжалланган бўлиб, порталдан фойдаланишни янада кенгайтиради. Бу портал шахсий нодавлат портал бўлгани боис унда Ўзбекистонда давлат томонидан амалга оширилаётган диний соҳадаги ишлар ҳақидаги маълумотлар кам учрайди. Портал тўлиқ диний-тарбиявий ва шайх Муҳаммад Содиқ илмий фаолияти билан боғлиқдир.

Портал *ақида, кутубхона, фикҳ, тазкия, жамият, танловлар, хизматлар, дарслар* бўлимидан ташкил топган. Бу бўлимлар ичида энг каттаси кутубхона бўлиб, у имом-хатиблар, расмлар, фикрат, ислом танқидчиларига 40 жавоб, Риёзус-солиҳийн, видеолар, ўтмишнинг ёруғ саҳифалари, фатволар архиви, сотувдаги янги китоблар, мўъжиза, ислом тарихи, уламолар ҳаёти, дастурлар, китоблар, холислик сари, пайғамбарлар қиссаси, сиз юборган мақолалар, саҳобалар ҳаёти, сараланган мақолалар, рисолат, каби қисмларни ўз ичига олади.

“islom.uz” порталининг шохобчалари сифатида “fiqh.uz”, “muhaddis”, “quran.uz”, “siyrat.uz” “halol.org”, “forum.uz”, “islom.uz savollar”, “islom.uz blogosferasi”, “info.islom.uz” каби сайтларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Аёллар учун мўлжалланган диний сайт бу “muslimaat.uz” бўлиб, у асосан аёлларнинг исломий тарбия олишлари ва оила муносабатларининг диний жиҳатларини ўзида қамраб олган. Ушбу сайтдаги “форум” бўлими орқали кўплаб динга қизиқувчи ёшлар оила қуриш ва оила муносабатларини дин омили ёрдамида мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Диний-маърифий мавзуда яна “e-adabiyot.uz”, “e-tarix.uz”, “e-bozor.uz” каби сайтлар ҳам фаолият юритади. Ушбу сайтларнинг номланиши кўпроқ ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлсада, уларда эълон қилинаётган

мақола фикрларда диний-маърифий омил устунликка эгадир.

Ўзбекистонда фақат ислом дини билан боғлиқ бўлмаган балки, жаҳон динлари манбаларини ўрганадиган “hilol.com” сайти бўлиб, ушбу сайтда ёритиладиган мақолалар асосан ислом дини позициясидан туриб ёритилиши кузатилади.

Ўзбекистон мусулмонлар идорасига қарашли “muslim.uz” сайтида ёритиладиган ислом мавзуси давлат олиб бораётган дин соҳасидаги ислохотлар билан боғлиқдир. Ушбу сайт орқали эълон қилинаётган мақола ва янги нашр қилинган китобларда ҳам буни яққол сезиш мумкин. Ундан ташқари сайтда диний идора томонидан эълон қилинаётган фатволар, янги диний нашрлар, ҳаж ва умра борасидаги ишлар мунтазам бериб борилади.

Мусулмонлар диний идорасига қарашли Тошкент ислом институти томонидан ташкил этилган “buxoriy.uz” сайтида ҳам диний мавзу давлат сиёсати билан ҳамоханг тарзда бериб борилган. Ундан ташқари сайтда ислом ва бошқа динлар доирасида қилинаётган халқаро ҳамкорлик ҳам мунтазам ёритиб борилади.

Маълумки, Ўзбекистонда диний нашрлар ҳам йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг ҳам ўз сайтлари мавжуд, хусусан, “hidoyat.uz”, “irfon.uz” сайтларини киритиш мумкин.

Ўзбекистон халқаро академиясининг ҳам сайти мавжуд бўлиб, у “iiu.uz” деб номланади. Ушбу сайтда ҳам ҳозирда Ўзбекистонда олиб бориладиган дин соҳасидаги ишлар ҳақида маълумот бериб борилади.

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги дин ишлари бўйича Қўмитанинг ҳам сайти бўлиб, у “religions.uz” деб аталади. Унда Қўмита томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳақидаги маълумотлар ёритиб борилади.

Ўзбекистонда мавжуд исломий сайтларни мақсад ва вазифаларига қараб уч қисмга бўлиб таҳлил қилиш мумкин, булар:

1) Оилавий муносабатларни тартибга солувчи сайтлар:

- “farzand.uz”;
- “semya.uz”;
- “mama.uz”;
- “uzbaby.uz”;
- “xonadon.uz”;
- “muslimaat.uz”.

2) Таълим билан боғлиқ сайтлар:

- “arabic.uz”;
- “e-tarix.uz”;
- “e-adabiyot.uz”;
- “e-bozor.uz”;
- “ziyouz.com”;
- “fikr.uz”;
- “tib.islom.uz”.

3) Тўлиқ диний мавзуга оид сайтлар:

- “islom.uz”;
- “quran.uz”;
- “fiqh.uz”;
- “siyrat.uz”;
- “halol.org”.

Ўзбекистонда мавжуд ислом дини билан боғлиқ портал ва сайтлар фаолиятини янада ривожлантириш ва ушбу сайтларда демократик принципларни янада кучайтириш бўйича қуйидагиларни таклиф сифатида киритиш мумкин:

Биринчидан, давлат назоратида бўлган сайтларни жумладан, “muslim.uz”, “ziyo.net”, “iiu.uz”, “buxoriy.uz”, “religions.uz” каби сайтларнинг маълумот доирасини янада кенгайтириш лозим. Шунингдек ушбу сайтларда рус, инглиз, ўзбек тилларидаги илмий мақолалар сонини кўпайтириш, йирик исломшунос олимларнинг Ўзбекистондаги дин соҳасидаги ислохотлар бўйича таҳлилий чиқишларини мунтазам бериб бориш ҳамда ушбу сайтлар орқали тўғридан тўғри давлат бошқаруви билан боғлиқ электрон порталларга кириш ва ўқувчи учун у ердаги маълумотларни ўқиб динийлик ва дунёвийлик мақсадларини аниқ тушуниб олиши ўринлидир, деб биламиз.

Иккинчидан, Ўзбекистонда мавжуд диний сайтларда у хоҳ давлатга алоқадор хоҳ нодавлат бўлсин мамлакат ҳукумати томонидан диний йўналишда олиб бораётган сай-ҳаракатлар тўғрисида мунтазам равишда маълумот бериб боришини таъминлаш зарур.

Учинчидан, давлат ва нодавлат диний сайтларни фойдаланувчилар қидириб топиши учун қулайликларни яратиш, масалан, “islom.uz” сайти орқали ўндан ортиқ бошқа нодавлат диний сайтларга кириб фойдаланиш имконияти мавжуд лекин рўйхати берилган сайтлар ичида давлатга алоқадор (“muslim.uz”, “ziyo.net”, “iiu.uz”, “buxoriy.uz”, “religions.uz” ва б.) диний ва давлат бошқарувида оид сайтлар

рўйхати берилмаган. Шунинг учун давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан дин соҳасида қилинаётган ислохотларни яқдиллигини ва ҳамжиҳатлигини таъминлаш учун ҳар бир дин билан боғлиқ сайтларда давлат ва нодавлат сайтлар рўйхатини умумлаштириб бериш таклиф қилинади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон аҳолисини аксарият қисми нодавлат диний сайтлардан фойдаланишини ҳисобга олиб, уларда давлатнинг ижтимоий соҳадаги сиёсати билан боғлиқ ишларни диний нуқтаи назар остида оддий аҳолига етказиш ва шунга оид илмий-таҳлилий мақолаларни кўзга кўринган давлат арбоблари, мутахассислар ва диний уламолар номидан омма эътиборига тақдим қилиб бориш.

Бешинчидан, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш тамойиллари, дунёвийлик ва динийлик уйғунлиги, ватанпарварлик туйғуси, ҳукумат ва аҳоли ўртасидаги ўзаро ҳурмат тамойиллари диний электрон порталлар учун ҳам хос бўлмоғи керак.

Олтинчидан, Ўзбекистонда мавжуд диний сайтларда мунтазам бериб борилаётган долзарб мақола ва фикрларга фақат ижобий эмас, балки танқидий ёки мутахассис кўзи билан ёндошув рукнидаги муносабатларни ҳам бериб бориш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР

1. «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни - <http://uza.uz/oz/laws/new-laws/bolalarni-ularning-so-li-iga-zarar-etkazuvchi-akhborotdan-im-10-09-2017>.
2. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. -Тошкент: - «Маънавият» 2010. -169 б.; -177 б.
3. Миллий UZ доменида рўйхатдан ўтган сайтлар сони 71 мингдан ошди. <https://www.xs.uz>.
4. Мирзиёев Ш.М. «Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш – демократик жамият асосидир // Унинг ўзи. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир». 2-жилд – Тошкент: «Ўзбекистон». НМИУ. 2018. -252 б.
5. Хужаев, М. И. (2015). Некоторые особенности этических взглядов Ахмет-Заки Валидова. *Credo new*, (2-2), 3-3.
6. Туйчиева, Х. Н. (2014). Основы повышения правовой культуры в Республике Узбекистан. In Педагогическое мастерство (pp. 139-141).
7. Каххарова, М. М., Холмирзаев, Х. Д. (2014). Философское и психо-эстетическое познание цвета. Новый университет. Серия: Актуальные проблемы гуманитарных и общественных наук, (2), 49-52., M Kakhharova-Eastern European Scientific Journal, 2018, [Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development](http://journale.auris-verlag.de/index.php/EESJ/issue/view/24/showToc), <http://journale.auris-verlag.de/index.php/EESJ/issue/view/24/showToc>
8. Ravshanov, Fazliddin (2018) “TOLERANCE: HISTORY AND DEVELOPMENT,” *The Light of Islam*: Vol. 2018: Iss. 1, Article Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiavol2018/iss1/17>